

Термиз туманида “Ёшлар куни” кенг нишонланди



Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан “30 июнь - Ёшлар куни” этиб белгиланган. Ушбу сана ёшлар учун кенг имкониятлар мамлакати - Янги Ўзбекистонда ҳар иили кенг шодиёналар билан нишонланади. Бугун Термиз туманида сана муносабати билан катта байрам тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирда туман ҳокимининг биринчи ўринbosари Мухиддин Тоғаев иштирок этиб, туман ҳокимининг ёшларга йўллаган байрам табригини ўқиб эшилтирди. Ҳар жабҳада фаоллик кўрсатаётган, ўз тенгдошлирига ўрнак бўлаётган бир гурӯҳ ёшлар туман ҳокимлигининг фахрий ёрлиқлари ва совғалари билан тақдирланди.

Ёшлар, уларнинг ота-оналари, мураббийлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида ўtkазилган тадбирда туман маданият бўлими томонидан намойиш этилган концерт дастури ёшларга ҳақиқий байрамона кайфият улашди.